Октябрь зафари муборак!

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАДАН РЕКОРД ҲОСИЛ ОЛДИ. БУ ХИРМОНГА ОБЛАСТИМИЗ 480 МИНГ ТОННА „ОҚ ОЛТИН“И БИЛАН МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШДИ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 211 (7351). ● 5 ноябрь, 1980 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.



ЮКСАК МАЖБУРИЯТ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига
Ўзбекистон ССР Министрлар Советига

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА, ОЛИМЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари меҳнатда буюк муваффақиятларга эришганликлари — давлатга пахта, дон, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз экинлари, каноп сотиш юзасидан 1980 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ва умуман ўнинчи беш йиллик планларини шараф билан бажарганликлари тўғрисидаги хабар КПСС Марказий Комитетида зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Пахтакорлар зўр мақтовга сазовордирлар. Ҳосил учун курашнинг ҳамма босқичларида уларнинг фидокорона меҳнати, юксак маҳорати, ишларни аниқ ташкил этиши янги катта муваффақият билан якунланди. Мамлакат Ўзбекистондан 6 миллион тоннадан кўпроқ пахта олди. Беш йиллик мобайнида давлатга 28,3 миллион тонна, яъни аввалги беш йилликка нисбатан қарийб 4 миллион тонна кўп қимматли хом ашё сотилди. 335 минг тонна юқори сифатли ингичка толали пахта тайёрланди, уни етиштириш ва харид қилиш ўнинчи беш йилликда 1,5 баравар кўпайди.

Кейинги йилларда пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари муттасил ривожланаётганлигини таъкидлаш қувончлидир. Республика деҳқонлари бу йил мўл дон ҳосили етиштирдилар ва давлат омборларига бир миллион тоннадан кўпроқ дон топширдилар. 2,9 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка сотилди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юксак суръатлар билан ривожланмоқда.

Бу — мамлакат аҳолисини озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Эришилган муваффақиятлар КПСС ленинча аграр сиёсати муттасил амалга оширилаётганининг, кадрлар маҳорати ўсганининг, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари юксак ижодий активлигининг, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларини ўтказган моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг натижасидир.

КПСС Марказий Комитети колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, механизаторларни, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, олимларни, тайёрлов, транспорт ва қайта ишлаш корхоналарининг, ўқув юртларининг коллективларини, қишлоқ хўжалик авиацияси учувчиларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ходимларини, республиканинг барча меҳнаткашларини меҳнатдаги ажойиб ғалаба билан қизғин табриклайди.

КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари колхоз ва совхозларнинг моддий-техника таъминоти ошганлигига таяниб, барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун сабот билан курашадилар, эришилган натижаларни мустаҳкамлайдилар, коммунистик қурилишда янги муваффақиятларга эришиб, Ватанни қувонтирадилар, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оладилар, деб қаттиқ ишонч билдиради.

Л. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

КОСМОСДАГИ БУЮК ҚАҲРАМОНЛИК

КРЕМЛДА «САЛЮТ-6» — «СОЮЗ» КОМПЛЕКСИ КОСМОНАВТЛАРИГА ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Советлар мамлакати янги буюк ғалаба қозонди. Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги арафасида инсоният тарихида энг узоқ давом этган бошқарилувчи космик учиш муваффақиятли тугалланди. СССРнинг космонавт-учувчилари Л. И. Попов билан В. В. Рюмин юксак маҳорат, мураккаб техникани аъло билиш, «Салют-6» — «Союз» орбитал комплекси ичидаги илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларнинг 185 кунлик программасини бажариш йўлида мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 4 ноябрь куни Кремлда космос қаҳрамонларига Ватаннинг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш чоғида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз Леонид Иванович ва Валерий Викторович!

Космоснинг ҳақиқий бағрини ларини бўлган сизларни мана шу тантанавор Кремль залида қувонч билан табриклайман.

Командировкангиз узоқ давом этди. Валерий Викторович Рюмин инсоннинг космосда узоқ вақт бўлиши соҳасида ҳамма рекордлардан ўзиб кетди, ҳатто Леонид Иванович Попов ҳам биринчи бор учган бўлса ҳам, ярим йилдан ортиқ вақт космосда бўлиб рекорд қўйди.

Сизларнинг космосда зўр ғайрат ва турли хил меҳнат билан ўтган 185 кунлик ишингиз олис космосни ерликларга яқин ва қадрдон қилиб қўйди. Сизлар ўтказган тадқиқотлар ва экспериментлар илм-фаннинг кўп тармоқларини бойитиши, амалий ишларда қўлланиши шубҳасиз.

Орбитада бир қанча меҳмонларни ҳам кутиб олдингиз: беш совет космонавти, Венгрия, Вьетнам ва Куба космонавтлари ҳузурингизда бўлишди. Энди биз тўла ҳуқуқ билан айта оламизки, совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, ишчилари, космонавтлари қардош социалистик мамлакатларнинг фарзандлари учун космос йўлини солиб бердилар. Бу — жуда соз.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ АЖОЙИБ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партиянинг ҳозирги замон аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошира бориб, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, бу йил пахта, дон, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз маҳсулотлари, каноп дан мўл ҳосил етиштирдилар, уни уюшқоқлик билан қисқа муддатларда йиғиб-териб олдилар ва ана шу ҳосилни давлатга сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар.

Республика меҳнаткашлари КПСС XXV съездида берган ваъдаларини шараф билан бажардилар — 1980 йилда пахта етиштириш ва сотишни 6 миллион тоннага етказдилар. Республикада бу қимматли хом ашё биринчи марта шундай рекорд миқдорда олинди. Тайёрланган умумий пахта ҳажмининг 335 минг тоннаси юқори сифатли ингичка толали нав пахтани ташкил этиб, беш йиллик мобайнида шундай пахта етиштириш 1,5 баравар кўпайди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 32 центнерга етди. 40 дан кўпроқ район гектаридан 35—40 центнер, қўшни колхоз ва совхозлар эса 50 центнер ва ундан ҳам кўп пахта йиғиб-териб олдилар. Мамлакат халқ хўжалиги ўнинчи беш йиллик мобайнида Ўзбекистон деҳқонларидан 28,3 миллион тонна пахта олди, бу эса пландан 700 минг тонна ортиқ бўлиб, аввалги беш йилликдагига қараганда қарийб 4 миллион тонна кўпдир.

Бу йил республика далаларида 3100 та терим транспорт отрядига бирлашган 34 мингта пахта териш машинаси ишлади. Пахта териш техникаси кенг қўлланилганлиги машиналарда илк бор 3,8 миллион тонна пахтани, яъни етиштирилган бутун ҳосилнинг 63 процентини териб олиш имконини берди.

Дала меҳнаткашлари бошқа деҳончилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам юксак натижаларни қўлга киритдилар. 1980 йилда республика колхоз ва совхозлари давлат омборларига бир миллион тонна ёки белгиланган харид ҳажмидан 250 минг тонна кўп дон тўкдилар. Беш йиллик бошидан буён давлатга 5 миллион тонна, яъни пландагига қараганда 1,5 миллион тонна ва тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан икки баравар кўп дон сотилди. Маккажўхори ва шоли етиштириш юксак суръатлар билан ортиб бормоқда. Шу йил маккажўхори дони ҳосилдорлиги 166 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнерни, шоли ҳосилдорлиги эса 84 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 51 центнерни ташкил этди.

Республика сабзавоткорлари, боғдорлари, соҳибкорлари яхши меҳнат қилдилар. Тайёрлов пунктларига ва қайта ишлаш саноати корхоналарига 1 миллион 532 минг тонна сабзавот, 615 минг тонна полиз маҳсулотлари, 131 минг тонна картошка, 362 минг тонна узум ва 253 минг тонна мева маҳсулотлари етказиб берилди. Мамлакатнинг саноат марказлари учун умумиттифоқ фондига 857 минг тонна сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узум жўнатилди. Бу — пландагидан 100 минг тонна ортиқдир. Республика мева, сабзавот маҳсулотлари харид қилиш беш йиллик планини анча ошириб бажарди. Давлатга каноп сотиш юзасидан шу йилги ва умуман беш йиллик планлар оширилиб адо этилди.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш муттасил ортиб бормоқда, чорва туёғи ва паррандалар кўпаймоқда.

Эришилган муваффақиятлар — қишлоқ хўжалигини яна да юксалтириш масалалари юзасидан КПСС XXV съездининг, Марказий Комитет 1978 йил июль Пленуми ва шундан кейинги пленумларининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларини амалда рўёбга чиқариш соҳасида партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари олиб борган катта, собитқадам ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг натижасидир.

Қишлоқ хўжалигини машина-механизмлар, ўғитлар, бошқа материал техника ресурслари билан таъминлаган саноат ходимлари, қишлоқ хўжалик авиациясининг учувчилари, тайёрлов ва транспорт корхоналарининг ходимлари ҳамда қардош республикалар — Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари билан анъанавий социалистик мусобақа пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда муҳим роль ўйнади. Шаҳарларнинг, район марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар ҳосилни йиғиб-териб олишда колхоз ва совхозларга катта ёрдам бердилар.

Ҳозирги вақтда қишлоқ меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳамма ҳосилини йиғиб-териб олишни тезроқ тугаллаш, келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам заминни таъминлаш ва чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Ўзбекистоннинг ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, партиянинг бўлажак XXVI съездини янги меҳнат ғалабалари билан нишонлашга яқдиллик билан астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИ МЎЛ-КЎЛ БЎЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Шаҳрисабз, Самарқанд ва Ленин районларининг ҳар бирида 1985 йилда гўшт етиштиришни 10 минг тоннага етказиш ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан мазкур районлар партия комитетларининг тадбирларини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига ана шу районларнинг тадбирларини фермалар, колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро корхоналарнинг коллективларида кенг муҳокама этиш, 1981—1985 йилларда чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш юзасидан план ҳамда мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш, ҳар бир район ва хўжаликда чорвачиликка доир тадбирлар қандай бажарилаётганлиги устидан доимий назорат ўрнатиш таклиф қилинди.

(Тадбирлар газетанинг 4-бетида босилмоқда).

ЎЛКАМИЗ КЎТАРДИ МИСЛСИЗ ХИРМОН,

ОММАВИЙ ЖАСОРАТ

Ўнинчи беш йиллик халқ хўжалигини ривожлантиришда меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини оширишда муҳим босқич бўлмоқда. Ҳademай беш йилликни якунлаб, партиянинг XXVI съезди чақириладиган янги — ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилига қадам қўямиз. Коммунистлар, барча меҳнаткашлар жонажон партиямизнинг бўлажак съездини ёруғ юз билан қутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Республикамизнинг 6 миллион тенналик улкан «оқ олтин» хирмони уйилган шу қутлуғ дамларда ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш қалби чуқур ифтихор туйғуларига тўлиб-тошмоқда. Зеро, олтин чўққилардек тизилиб турган мана шу басавлат хирмонларни яратишда уларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Бу билан чексиз фахрлансалар, қувонсалар арзийди.

Беш йилликнинг ҳар бир йили ўз қаҳрамонларини яратмоқда. Улар қийинчиликларни мардонавор енгиб, шоншуҳрат қозонмоқдалар, меҳнат коллективлари ўртасида шахсий намуна кўрсатмоқдалар. Шу дамларда бенхтиёр киши ёдига ёзнинг серташвиш кунлари тушади. 10 июнь куни рўй берган кучли дўл 7 минг гектар пахтазорга зарар етказди. Лекин район меҳнаткашлари табиат стихиясига ўз маҳоратларн ва тажрибаларини қарши қўя олдилар. Улар зарарланган кўчатлар парваришини кучайтирдилар, пировардида, план ҳамда мажбуриятларни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирдилар. Мардонавор меҳнат ва омилкорлик қаршисида табиат ниҳиқликлари чекинди.

Фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда несобуд қилмай йиғиб олиш учун барча резерв ва имкониятларни ишга солдик. Терим арафасида ҳар бир хўжалик мавсум давомида бажариладиган вазифаларни конкрет белгилаб олди. Район партия комитети бюроси, район ижроия комитети аъзолари, раҳбар кадрлар хўжаликларга бириктириб қўйилди. Улар бевосита жойларда бўлиб, йиғим-теримнинг ташкил этишда, ишчи кучи ва механизмлардан самарали фойдаланишда хўжалик мутахассисларига амалий ёрдам кўрсатдилар. Район партия комитети бюроси мажлисларида йиғим-теримнинг боришн мунтазам анализ қилиб турилди. Пахта штаби эса рекордлар, ютуқларни барчага маълум қилиб борди.

Район партия комитети теримчилар мусобақасини ташкил этишга алоҳида эътибор берди. Мусобақалар ҳар беш кунда якунланиб борди. Илғорлар шарафига шон-шуҳрат байроқлари кўтарилди, вимпеллар ва қимматбаҳо мукофотлар тақдим этилди. Кўрилган тадбирлар туфайли район пахтакорлари даврлатга «оқ олтин» сотиш йиллик планини 21 октябрда шараф билан адо этдилар. Ватан хирмонларига 45 минг тонна ўрта Чирчиқ пахтаси етказиб берилди.

Ҳозирги кунда зиммамизга оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган ҳолда меҳнат қилмоқдамиз. Биз эл хирмонига 50 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилганмиз. Янги марра сари бошланган кураш давом этмоқда. Айниқса, Охунбобоев номли колхоз аъзоматлари бажараётган ишлар таҳсинга сазовордир. Колхоз пахтакорлари йиллик пахта топшириш планини районимизда биринчи бўлиб адо этган эдилар. Ҳосилнинг 92 процентн машиналарда териб олинди. Шундан сўнг қўшимча 800 тонна пахта топширин учун кураш бошланди. Бу ташаббусга бағишлаб пахта штаби махсус плакат тайёрлади. Плакатда колхоз пахтакорлари зафари мадҳ этилди, улар тажрибаси оммалаштирилди.

Планни бажарган ҳар бир хўжаликка бағишлаб чиқарилган плакатлар дала шийпонларига осиб қўйилган. «Ленин йўли», «Коммунизм», Ким Пен Хва номли колхозлар зафарига бағишланган плакатлар айниқса мазмунли чиқди. Бундан ташқари, ғолиб бригада бошлиқлари номига район партия комитети ва район ижроия комитетининг табриккномалари ҳам юборилди. Йиғим-теримни идеологик жиҳатдан таъминлаш бўйича кўрилган бундай тадбирлар кишилар руҳини кўтарди, уларни янги зафарлар сари отлантирди.

Бу йилги йиғим-теримда машиналардан яна ҳам кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилдик. Йиғим-терим отрядларида тузилган 35 та мавсумий партия группаси ҳар бир агрегатнинг унумли ишлаши устидан назорат қилиб борди. Терешкова номли колхоздан З. Юсупов, Охунбобоев номли колхоздан К. Бекенов, «Ленин йўли» колхозидан Т. Йўлдошев ўртоқлар раҳбарлик қилган партия группалари айниқса ташаббус кўрсатиб ишламоқда. Партия группаларининг ташкилотчилиги билан механизаторлар кўпроқ ҳосилни бункерлардан тўкишга муваффақ бўлдилар.

Районимиз бўйича тайёрланган пахта ҳосилининг 90 процентдан ортиғи машиналарда терилди. Ипатоволик деҳқонлар тажрибасига амал қилган механизаторлардан Мурод Султонов, Жамол Нуров, Маҳамадали Салоҳиддинов 250 тоннадан ошириб пахта териб бердилар. Айниқса, Охунбобоев номли, Ким Пен Хва номли колхозларнинг механизаторлари самарали ишладилар. Улар барча ҳосилнинг 97 процентини бункерлардан тўкдилар.

Районимиз пахтакорлари ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш билан бирга ҳосилдорликни ошириш соҳасида ҳам қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Энгельс номли колхоздан Кан О Нам, Ким Пен Хва номли колхоздан Абил Сайдезов, «Ленин йўли» колхозидан Обид Акипов ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадалар салкам 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар, кўплаб бригадалар ҳосилдорликни 40 центнердан оширдилар.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда шаҳарлик биродарлар жуда катта ёрдам кўрсатдилар. Чирчиқ шаҳри корхоналари районимиз хўжаликларини ўз отаолиқларига олганлар. Саноатчилар эрта баҳордан кеч кузгача биз билан баравар мўл ҳосил учун қайғурдилар.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган мазмунли нутқи қалбларимизни янги орзу ва умидларга тўлдирди. Меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини ошириш йўлида партиямиз кўрсатаётган ғамхўрлик ҳар бир кишини янада самарали ва унумли меҳнат қилишга, яратилаётган эл бойлигига кўпроқ шахсий улуш қўшишга ундамоқда. Партия олдида, халқимиз олдида юзимиз ёруғ. Давлатга пахта сотиш беш йиллик плани ҳам, йиллик план ҳам шараф билан бажарилди. Ғалла, пилла, каноп пояси, сабзавот, полиз, мева ва бошқа хил маҳсулотлар сотиш беш йиллик планлари ҳам ортиғи билан адо этилди. Биз партиямиз нинг бўлажак съездига қувончли ютуқлар билан келмоқдамиз, янги йилга муносиб замин яратмоқдамиз.

М. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари.



«Оқ олтин» хирмонини юксалтиришга механик-ҳайдовчилар катта ҳисса қўшдилар. Улар машиналарининг унумли ишлашини таъминлаб, етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатда ва несобуд қилмай йиғиштириб олдилар. Шу туфайли пахта тайёрлаш планлари ва социалистик мажбуриятлар қисқа муддатда бажарилди. Суратда: «зангори кемалар пахтазорда.

А. Абалян фотоси.

БИР ҲОВУЧ ПАХТА

Чаноқдаги бир ҳовуч пахта
Кетди учиб мисоли оққуш.
Қўнар аниқ у олтин тоққа,
Қанотлари ярқироқ кумуш.
Унда қуёш ҳароратн бор,
Саратонда сингган қонига.
Илдизидан оқиб ўтган қор,
Оро кирган ёзда жонига.

Манглай тери, кўзларнинг нури.
Толаларга бўлмиш мужассам.
Бу — меҳнатнинг гавҳари, дури,
Қадри баланд жавоҳирдан ҳам.

Чаноқдаги бир ҳовуч пахта
Назаримда битта иссиқ нон.
Илитади қалбимни тафти,
Ҳудди қуёш парчаси симон.

Арслон УМАРОВ,
ўқитувчи.

МИНГ ОФАРИН!

Бутун мамлакат бўйлаб хушхабар тарқалди. Ўзбекистон пахтаси олти миллион тоннадан ошди. Бу — бутун мамлакат хирмонига тўкилган СССР «оқ олтин»ининг учдан иккиси демакдир.

СССР хирмонига тўкилган пахта миқдори ҳам тўққиз миллиондан ошди. Мамлакатимизда ҳеч вақт шунчалик пахта хирмони кўтарилмаганди. Рекорд!

Бу йилги пахтачилик йили — рекордлар йили бўлди. Ҳосилдорлик жиҳатидан ҳам, теримнинг суръати ва сифати жиҳатидан ҳам. Терим ва топшириш суръати масаласида пойтахт Тошкент областимиз областлараро рекорд қўйди. Бир ҳафта ичида кунига олти процентдан пахта сотди. Областлар ичида биринчи бўлиб маррага етди.

Ҳеч вақт октябрь ойида бунчалик кўп пахта териб давлатга топширилмаганди. Бу ҳам рекорд!

Республикамиз бўйича ҳам пахта териш ва топшириш суръати ва сифатида бекиёс миқёсга эришилди: бир беш кунликда давлатга бир миллион тонна миқдорида пахта сотилди! Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган рекорд!

Республика пахтакорлари ўнинчи беш йиллик охирига белгиланган маррадан ҳам ўзиб кетдилар. Бу жабҳада Тошкент областининг «оқ олтин» хазинадорлари айниқса самарали жасорат кўрсатдилар. Бу ишда «зангори кема»ларнинг капитанлари шиддат билан ишладилар. Далаларимиз даргаларининг жасорати ва матонати туфайли ҳам шунча рекорд қўйилди.

Бунинг сабаби пахтакорларимиз пахтачилик илмини пухта эгаллаб олдилар. Илм билан амалиёт, яъни фан ва деҳқончилик тажрибаси иттифоқдош бўлиб пахта фронтида ғолибона жанг олиб борилди.

Йиғим-теримда ҳар йилдагидек бу йил ҳам шаҳар қишлоққа ёрдам қўлини чўзди, ҳамма пахтакор бўлиб жасорат кўрсатди. Бу рекордчиларнинг жасорати биз ёзувчиларни янги-янги ижодий режаларга илҳомлантирмоқда.

Илғор рекордчи пахтапарварларимизга минг офарин!

Иброхим РАҲИМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

БИЗНИНГ ҲАМ ҒАЛАБАМИЗ

СЕРҚУЁШ Ўзбекистонимиз пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирдилар ва бу ҳосилдан юксак «оқ олтин» хирмони барпо этилди. Ўзбекистон пахтаси 6 миллион тоннадан ошиб кетди! Бу рақамларнинг заминида жуда катта жасоратли меҳнат, пешона тери, қалб кўри ва фидокорлик ётибди. Бу рақамлар республикамизнинг ҳар бир кишисини завқ-шавққа тўлдиради, фахрлантиради. Жумладан, биз ҳам, кўпминг кишилик коллективимизнинг ҳар бир аъзоси пахтакорлар зафаридан ҳақли равишда фахрланамиз. Чунки, мана шундай улкан ҳосил етиштиришда бизнинг — бирлашмамиз ҳар бир ишчи ва хизматчисининг ҳам камтарин ҳиссаси бор.

Бирлашмамиз заводларида, цех ва участкаларида қилинаётган зарбдор меҳнат пахтакорлар оғирини енгил қилишга, улар учун серунум, сифатли машиналар ишлаб чиқаришга қаратилган. Чигит экиш сеялкалари, кўрак чувиш машиналари, подборкачи машиналар шулар жумласидандир.

Бирлашмамиз коллективи республика зафшуносларн улкан ғалабани қўлга киритган йилда ҳар қачонгидан ҳам зарбдор меҳнат қилишяпти. Жумладан, йил бошидан буён 6 мингдан ортиқ чигит экиш сеялкаси ишлаб чиқарилди. Жами маҳсулотимизнинг 44 процентн фахрий беш қирра билан тайёрланмоқда.

Пахтакорларнинг катта меҳнат муваффақияти коллективимиз ишчи ва хизматчиларини янги-янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантиради.

Р. НОДИРОВ,
«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори.

КОСМОСДАГИ БУЮК ҚАҲРАМОНЛИК

(Боши 1-бетда).

Космоснинг сирлари кўп албатта, у ердаги иш ҳаммага етади. Шу сабабли биз космик тадқиқотларда бошқа давлатлар билан гоят кенг миқёсда баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиш тарафдоримиз. Космос ер юзида яшовчи кишиларни бирлаштириши, одамлар бир планетада яшаб турганликлари ҳамда шу планета осойишта ва обод бўлиши лозимлиги тушунчасини ривожлантириши мумкин ва лозим.

Азиз ўртоқлар! «Салют-6» — «Союз» орбитал комплекси ичида узоқ вақт учишни муваффақиятли амалга оширганликлари ва бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун Леонид Иванович Поповга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди ҳамда Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали топширилади, Валерий Викторович Рюмин эса Ленин ордени ва иккинчи «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланди.

Мен сизларни сидқидилдан қучаман ва сизларга Ватаннинг мукофотларини топшираман. Мана шу узоқ ойлар давомида сизларнинг орбитадаги ишингизни синчиклаб кузатиб турган, энди эса сизлар билан фахрланиб, сизларга офарин айтаётган миллионмиллион совет кишилари номидан шу ишни бажарянман.

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ватан учун, ер юзидаги барча халқлар учун жуда муҳим бўлган олижаноб меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

* * *

Л. И. Попов Леонид Ильичга мурожаат қилиб бундай деди:

185 кунлик учиш программаси ва «Салют-6» орбитал комплекси ичида космик фазони тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш соҳасидаги иш учун берилган Ватанининг юксак мукофотини бугун эўр ҳаяжон туйғуси билан қабул қиласпман. Бу мукофотни совет олимлари, инженерлари, техниклари, ишчилари, космодром, Учишни Бошқариш Маркази, космонавтларни тайёрлаш маркази, команда-ўлчов ва қидирув, қутқарув комплекслари мутахассисларига—парвозимизни тайёрлаш ва амалга оширишда қатнашган ҳамма коллективлар ва ташкилотларга берилган мукофот деб биламан.

Орбитал комплекс ичида ўтказилган тадқиқот ва экспериментларнинг натижалари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг халқ хўжалигида кенг миқёсда қўлланилади.

Азиз Леонид Ильич, бизнинг шаънимизга айтган сўзларингиз, меҳнатимизга юксак баҳо берганингиз учун Сизга ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Бундан буён ҳам бутун куч ва билимимни тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида космонавтикани янада ривожлантириш ишига сарфлайбераман, деб КПСС Марказий Комитетини, СССР Олий Совети Президиумини, Совет ҳукуматини ишонтираман.

Л. И. Попов билан В. В. Рюмин космосдаги шонли воқеадан эсдалик сифатида Леонид Ильич Брежневга экипажнинг учганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ва орбитал илмий тадқиқот комплексининг макетини топширдилар. Макетга: «Орбитал «Салют-6» станцияси тўрт йилдан бери парвозда. 28 космонавтдан иборат 14 экспедиция икки кундан тортиб то 96, 140, 175, 185 кунгача учди, ЧССР, ПХР, ГДР, ВХР, ВСР, Куба Республикаси космонавтлари иштирокида еттита халқаро экипаж парвоз қилди. Станция билан йигирма бешта кема туташтирилди» деган сўзлар ёзилган.

Мукофотларни топшириш чоғида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири И. Д. Сербин, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, космонавтларни тайёрлаш раҳбари, авиация генерал-лейтенанти В. А. Шаталов ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ВАТАНИГА ҚАЙТА ТУРИБ

Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал ватанига қайта туриб 4 ноябрь куни Тошкентда тўхтади.

Афғонистон Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Бабрак Кармални КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козикмов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитети халқаро бўлимининг мудири М. Барьялай, Афғонистон Демократик Республикаси ёзувчилар союзининг раиси Асадулла Ҳабиб бор эдилар. Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари, шаҳарнинг билим юртларида таълим олаётган афғон студентлари Бабрак Кармални табрикладилар.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ИШЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

КОММУНИСТЛАР МАЪҚУЛЛАЙДИ...

Областимиздаги 2934 та бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлиб ўтди. Уларда коммунистлар ва партия аъзолигига кандидатларнинг 95,6 процентн иштирок этди. Ҳисобот докладлари бўйича музокараларда 19508 киши сўзга чиқди. Музокарада қатнашганлардан 5241 киши ишчи ва оддий колхозчидир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида бошланғич партия ташкилотлари олиб борган ташкилий ва сиёсий ишларга якун ясалди, КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети пленумлари қарорлари асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлган октябрь Пленуми қарорлари, Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев сўзлаган ёрқин ва чуқур мазмунли нутқ пойтахт области коммунистлари, барча меҳнаткашларининг кучига-куч ва ғайрат қўшиб юборди. Коммунистлар ўз йиғилишларида КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг совет халқи фаровонлигини янада оширишга қаратилган қарорларини тўла ва батамом қўллаб-қувватламоқдалар.

ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР

Тошкентдаги «Ўзбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси коммунистлари ўз ҳисобот-сайлов йиғилишларида 1980 йил план-топшириғини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигигача, 1981 йил биринчи квартал планини эса КПССнинг XXVI съезди очиладиган кунгача бажаришга қарор қилдилар.

Калинин районидаги «Ўзстройтеплица» трестининг 125-кўчма механизациялашган колоннаси партия ташкилоти йиғилиши қатнашчиларига шу нарса маълум қилиндики, коллектив ўнинчи беш йиллик планнни 1 октябрда бажарди. Пландаги 9,19 миллион сўмлик ўрнига 10,4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Коммунистлар йил охиригача қўшимча 600 минг сўмлик иш бажаришга, майдонн бир гектар бўлган яна бир теплица блокини фойдаланишга топширишга қарор қилдилар.

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи А. Саъдуллаев ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосилдорлигини илгари мўлжалланган 40 центнер ўрнига 42 центнердан етказиш мажбуриятини олди.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумидаги нутқида таъкидлаганидек, йиғилиш ва конференцияларда партия ташкилотлари фаолиятининг ҳамма томонлари ишчанлик билан, чуқур ва ўзўзини танқид руҳида қараб чиқилмоқда. Коммунистлар танқидий мулоҳазалар ва қимматли таклифлар билан чиқмоқдалар.

Жумладан, Чиноз пахта тозалаш заводининг ишчиси А. Мўминов шундай деди: «Пахта ҳосилини сифатли сақлаш учун брезентлар етишмайди. «Ташзаготхлопкопром» бирлашмаси уларни зарур миқдорда ажратиб бериши керак».

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ташводохранилише» қурилишмонтаж бошқармаси коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан план бўлимининг бошлиғи А. А. Филиппова бундай деди: «Участка бошлиқлари ва мастерлар бригада пудратини жорий этиш, меҳнатга оширилган мукофот тўлашга тўсқинлик қилмоқдалар, бу ҳол меҳнат унумдорлигининг анча пасайишига, қурилиш монтаж ишларининг сифатсиз бўлишига олиб келмоқда».

Оҳангарон районидаги «Ғалаҳудуқ» совхозининг ем-хашак бўйича зоотехниги К. Афонин Оҳангарон ун комбинати тайёрлаб берайётган емларнинг сифати паст эканлигини, бу чорачилик маҳсулотлари маҳсулдорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётганлигини айтди.

* * *

Областда ўтаётган бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот ва сайловларида коммунистлар ишлаб чиқаришни яхшилаш, иш сифатини, меҳнат ва турмуш шароитларини оширишга қаратилган ва бошқа масалалар бўйича 6850 та танқидий мулоҳаза ва таклифлар билдирдилар. Улардан 1153 таси ҳозироқ ижобий ҳал қилинди.

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАР ВАТАН ЖОНАЖОН!

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ХИРМОН УЯР

Уммонлар жилғалардан ташкил бўлгандек, республикамизнинг осмонўпар «оқ олтин» хирмони ҳам мисқоллардан қад кўтарди. Бу залворли пахта хирмонига хўжалигимиз аъзолари ҳам ўз ҳиссаларини қўшганларидан фахрланадилар. Улар ҳозиргача қабул пунктларига 6 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Бу пахта тайёрлаш йиллик ҳажмида белгиланганидан 900 тонна кўпдир.

Юксак «оқ олтин» хирмонларимиз пахтакорларимизнинг қаҳрамонона меҳнатлари самарасидир. Улар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайратшижоат билан меҳнат қилдилар. Барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилди. Шу туфайли далаларда мўл ва эртаки ҳосил етиштирилди.

Колхозимизда мўл ҳосил усталари кўплаб топилади. Жалол Раҳимов бошлиқ бригада аъзолари ана шундай миришкор пахтакорлардан. Улар ҳозиргача 265 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Бригадада пахта тайёрлаш йиллик ҳажми бир ярим ҳисса ошириб бажарилди.

Бу йил илғор звеноларимиз пахтакорлари эллик-центнерчилар ҳаракатига қўшилиб меҳнат қилишди. Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Икром Исломов бошлиқ звено аъзолари хўжалигимизда биринчи бўлиб юксак сифатли шудгор қилиб қўйилди. Ҳозир ҳосилдан тозаланган пахта далаларини ўғитлашни бошлаб юборганмиз. Ҳар гектар майдонга ўртача 350—400 килограммдан минерал ўғитлар солиняпти.



Сандумар Муҳамедов Оқ қўрғон районидаги Сегизбоев номли совхозининг моҳир механизаторидир. Бу йилги мавсумда у «зангори кема»си бункеридан 200 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўкди. Суратларда: илғор дала гвардиячиси С. Муҳамедов; совхозда машинада кўрак териш пайти.

ТОШКЕНТ МАДАДИ

РЕПОРТАЖ

●

Бурчакдаги хона эшигига «Шаҳар пахта штаби» деган ёзув ёпиштириб қўйилган.

Тошкент шаҳар партия комитети, саноат, транспорт, алоқа бўлими инструкторя Абдураҳмон Худойберганов хонада ёлғиз. У телефонда гаплашяпти. Олдида турли хил графиклар. Графикларнинг ҳар бир бўлимини телефонда олаётган маълумотлари билан тўлдиряпти.

— Мана бу графикка бир назар ташланг, — деди у бизга юзланиб. — Доимий теримга жалб этилган кишиларнинг иш натижалари ифодаланган. Бекобод районида 4,5 мингдан ортиқ тошкентлик пахта терди. Улар мовсумда салкам 3 минг тонналик «оқ олтин» хирмони яратишди.

— Шаҳримиз вакилларини фақат Тошкент области районларида эмас қўриқ Сирдарё ва Жиззах пахтазорларида ҳам учратасиз, — суҳбатимизга қўшилди бўлим инструктори Владимир Матвеевич Маркин. — 90 минг студент чўлқуварлар билан елкама-елка туриб етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда қатнашди.

Тошкентликлар пахтакорларга фақат ишчи кучи билан эмас, қудратли техника воситалари билан ҳам катта мадад кўрсатдилар. Владимир Матвеевич Жиззах область Октябрь район партия комитетининг иккинчи секретари А. Викторов йўллаган илтимосномани олдимизга қўйди. У 12 та механизациялашган группа, 70 та юк машинаси, бир қанча қурилиш материаллари сўрабди. Шаҳар партия комитети ходимлари дарҳол чўлқуварлар илтимосини қондиришди.

Бундай ёрдам чигит экиш кампанияси янги бошланган кезларда ҳам кўрсатилган эди. Эрта баҳорда Жиззахга 540 слесарь, 37 та устахона, 90 та автомашина жўнатилди. Тошкентлик усталар экиш агрегатларининг бир маромда ишлашини таъминладилар, чигитнинг кисқа муддатда экиб олинишига ҳисса қўшдилар. Йиғим-терим бошланиши арафасида яна 528 киши пахтазорларга йўл олди. Улар махсус курсларда пахта териш машиналарини бошқариш сирларини ўрганишган эди. Йиғим-терим бошланиши билан бу шоввозлар «зангори кема»лар рулига ўтиришди.

Сирдарё пахтакорларига кўрсатилган ёрдам яна ҳам катта бўлди. Қўриқ ер ҳосилининг асосий қисмини одатда машиналар териб беради. Бу мавсумда поёнсиз пахтазорлар бўйлаб сузган «зангори кема»ларнинг 750 таси тошкентлик механик-ҳайдовчилар бошқаришди. 675 слесарь терим-транспорт отрядларига хизмат қилди.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Трубкани Владимир Матвеевич олди. «Ташсельмаш» заводи директори Олег Викторович Новицкий кўнгироқ қилаётган экан.

Суҳбат мавзуи келиб пахтага тақалди. Эндиликда пахтани «зангори кема»ларсиз тасаввур қилиб бўладими, ахир?! Олег Викторович Эралиев, Шукур Тожибоевлар «зангори кемалари» бункеридан 150—190 тоннадан «оқ олтин» тўкишди.

Колхозимизда етиштирилган уруглик пахтани нес-нобуд қилмай териб олишда эса кўпмингкилограммчи чеварлар ғайрат кўрсатдилар. Улардан Солия Бойниёзова, Гулетар Халилова, Дилором Михтиева, Қўчқор Соғиндиқов, Санобар Акромова, Турсуной Отакишева, Қундуз Хошимова, Хакима Тожибоева ва бошқалар мавсум бошидан бери 6—8 тоннадан ва ундан ҳам кўпроқ пахта териб, кўпчиликка ибрат бўлаётирлар.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган колхозимиз пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш ва Ватанга 6200 тонна «оқ олтин» ариниг мамнунлиги овозидан билиниб турарди. Корхона коллективига мавсум бошланиши арафасида муҳим топшириқ берилган эди. Улар 15 сентябргача пахтакор хўжаликларга ХМП-1,8 маркадаги серунум 208 та машина етказиб беришлари лозим эди. Ишчилар бор имкониятларининг ҳаммасини ишга солдилар. Бу топшириқни пировардида ортиғи билан адо этдилар. Пахтакорларга топширилган 208 ўрнига 357 та машина етказиб берилди.

Владимир Матвеевич бир зум ўйланиб турди-да, телефон номерини тера бошлади.

— Ҳозир пахтакорларга қанча трактор ва прицеп етказиб берилганлигини биламиз,— деди у секин бизга.

Телефон трубкасини трактор заводи директори Эрик Харасович Мусин олди. «Зангори кема»лар териб берган ҳосилни мана шу корхона тракторлари ва прицеплари қабул пунктларига ташиб берди. Машинасозлар тўққиз ой давомида пахтакорларга пландаги 5660 ўрнига 5890 та Т-28 Х4М маркали, 780 ўрнига 845 та МТЗ-80Х маркали тракторлар етказиб бердилар.

Ж. НОСИРОВ.

СЎЗ—ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИМИЗГА

Турсуной ОХУНОВА,

икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи.

КПСС XXV съездида ўнинчи беш йиллик ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш беш йиллиги деб эълон қилингач, бригадамиз аъзоларида ажойиб фикр туғилди. Кўп йиллардан бери пахтачилик соҳасида тўпланган бой тажрибани тўла ишга солиш ҳисобига бир беш йилликда икки беш йиллик план миқдорида пахта етиштириш имконияти йўқмикан?

Бугунги кунда серқуёш республикамизнинг пахта хирмони 6 миллион тоннадан ошган экан, биз ҳам бу «оқ олтин» тоғларига қуюнч билан назар ташлаб, ҳақли равишда фахрланамиз. Чунки, бригадамиз аъзолари беш йиллик бошида берган ваъдаларини ёруғ юз билан бажардилар. Ўтган йиллар давомида пландаги 1345 тонна ўрнига 2691 тоннадан зиёд пахта сотиб, икки беш йиллик планни адо этдик.

Аввало шуни таъкидлаш керак, бундай юксалишга эришишимиз техника шарофатидан. Ҳар йили етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳаммасини машиналар билан териб олмоқдамиз. Мен ўзим беш йил давомида жами 2300 тонна «оқ олтин» териб тўкдим.

Биз эришган натижа сўнгги марра эмас, албатта. Буни бригадамизнинг ҳар бир аъзоси яхши билади. Ўнинчи беш йилликда ўртача ҳосилдорлик 62,3 центнерни ташкил этган бўлса, кейинги беш йилликда янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қиламиз.

Отамурод САЪДУЛЛАЕВ,

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг механик-ҳайдовчиси.

КОЛХОЗИМИЗ райондаги йирик хўжаликлардан. Ҳар йили 1700 гектардан зиёд ерга пахта экилади. Шундай катта майдонда мўл ҳосил етиштириш, уни тез ва соз йиғиштириб олишнинг ўзи бўлмайди. Асосий масъулият механизаторларнинг зиммасидадир.

Улар бу йилги мавсумда ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилдилар. Терим агрегатларидан унумли фойдаланиш учун ипатоволикларнинг илғор иш тажрибасини қўлладик. Машина теримидала — бункер — тележка — қабул пункти усулида йўлга қўйилди. Бунинг учун ҳар бир пахта териш машинасига иккитадан тележка ажратиб берилди. Колхозимизда механик-ҳайдовчиларимизнинг унумли меҳнат қилишларига барча шароитлар ҳам яратилди.

Хўжалигимиз механик-ҳайдовчилари ўзларининг дала гвардиячилари деган шарафли номларини оқладилар. Бугунги кунгача давлат қабул пунктларига элтиб берилган 6 минг тоннадан зиёд пахтанинг асосий қисми машиналар билан йиғиштириб олинди. Мен ҳам дала гвардиячилари сафида эканлигимдан фахрланаман. Бу йил мавсумда 260 тонна пахта териб бериб, колхозимиз, қолаверса, республикамизнинг катта хирмонига ўз улушимни қўшдим.

Ўроқбой НИШОНОВ,

Ғалаба районидаги «Победа» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

СЎНГГИ йилларда ипатоволик механизаторларнинг иш тажрибаси пахтачилик хўжаликларида ҳам жуда кенг тарқалди. Эндиликда пахта йиғим-теримида асосий ишни терим-транспорт отрядлари ҳал қиляпти. Шу боисдан план ва социалистик мажбуриятлар муддатдан илгари бажарилаяпти. Далаларда бирор миқол ҳам ҳосил қолдирилмай, тўла йиғиштириб олиняпти.

Бу йил бизнинг хўжалигимизда иккита терим-транспорт отряди ўзаро мусобақалашиб иш олиб борди. Ҳар бир отрядда мавсумий партия группалари ташкил этилди. Группа аъзолари теримнинг тез ва соз боришини назорат қилиб турдилар. Натижада 13 терим агрегатининг ҳаммаси ишга сменада тўхтовсиз ишлаб турди.

Колхозимизнинг дала гвардиячилари терим сурътига қанот бахш этдилар. Машина теримининг кизғин палласида планнинг 10 процентига етказиб пахта тайёрлашга муваффақ бўлдик. Бу машиналар қудратини кўрсатиб турипти. Илғор механик-ҳайдовчиларимиз пўлат этаклардан хирмонга 150—200 тоннадан «оқ олтин» тўкиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар.

Мавсум бошида 180 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган эдим. Бу маррани сентябрь ойининг охиридаёқ эгалладим. Кейин 250 тонна юзасидан оширилган мажбурият олдим. Бугунгача терган пахтам эса 252 тонна бўлди.

Жалғас БОЛАТОЕВ,

Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

Бу йилги мавсумда колхозимиз рекорд натижага эришди. Машина теримини уюшқоқлик билан барвақт бошлаб юборган механизаторларимиз план ва социалистик мажбуриятларнинг районда биринчи бўлиб бажарилишини таъминладилар. Бугунги кунда колхозимиз область хўжаликлари ўртасида энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Мен ҳамкасбларим Ором Ҳасанов ва Саидаҳад Саймоқовлар билан бирга Ўроқбой Ақлбоев, Омон Ҳасановлар бошлиқ бригадаларнинг пахтазорларида ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилдик.

Мен машинам билан 320 тонна пахта териб тўкдим. Мусобақадошларим ҳам 250 тонна атрофида «оқ олтин» териб беришиб, колхозимиз хирмонига барака киритишди.

Ҳосилни йиғиштириб олиш ниҳоясига етяпти. Колхозчиларимиз эндиликда ўн биринчи беш йилликда ҳам «оқ олтин»дан баракали хирмон уйғалишига мустаҳкам замин ҳозирлашга киришганлар. Экин майдонларини ўғитлаш ва шудгор қилиш авж оляпти. Бу ишда ҳам механизаторларимиз намуна кўрсатаётирлар. Улар кузги шудгорлашни қисқа муддатда тугаллаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

ОЛТИ МИЛЛИОН

Беш қиррали дурсен олти миллион,—
Тог бўлган тонналар қуёшдай порлоқ.
Сенга таҳсин айтар Ватан жонажон,
Неқадар буюксен, зафар кучган чоқ.
Саршунос мардларга хурсанд боқаман,
Бошлайсан мўйсафид тарихдан достон.
Дейсан «мен элимга қадим гунчаман,
Эзгулик умримни айлайман аён».
Она Сир бўйида туриб об-даёт
Йўлларин қарайман, завқим бир жаҳон.
Элимда дарёлар ёзмоқда қанот,
Қанотни остида унмоқда бўстон.
Бўстонлар водийси пойтахт Тошкентим,
Мардларинг миришкор, пойгада олдин.
Кечаги чўлларинг бугун зар кентим,
Улардан ўйдинг сен чўнг, рекорд олтин.
Изимингга йўл олди оби-ҳаво ҳам,
Азмингдан ер бўлди «оқ олтинга кон.
Офарин мардларга, доим пешқадам,
Йўлларинг буркади қутлуғ шараф шон.
Шеробод, мафтунман гул жамолингга,
Жаҳонга машҳурдир ипак дурдонанг.
Чўл яшнаб, гул сочди истиқболингга,
Шерзод баҳодирлар бўлди парвонанг.
Қашқа воҳасидан сўз очсам агар,
Ҳар марди Амуга азим жиловкор.
Ғузорга меҳрини қўйиб Пачкамар,
Асрий тақирларда унди чаманзор.
Қизилқум, Қоракум бўлди олтин кум,
Беш қиррали чаноқ унинг зар кони.
Юлун сахроларга келди гул мавсум,
Табаррук қучоғи — пахта майдони.
Мирзачўл — она ер сенга тасанно,
Уфқдан уфққа туташ гулзоринг.
Фарҳодлар юртисан, қадринг бебаҳо,
Хазина маскани кенг пахтазоринг.
Тўрт грамм толанн жом айлаб чаноқ,
Сўз очар жаҳонга олти миллион.
Чаноқ дер, элимнинг қудратига боқ,
Кўтарди оҳ қандай бекиёс хирмон.
Хирмонга қарайман, дўппим қўлимда,
Чўққиси кўкўлар Помирдан баланд.
Жасорат азмини чўнг ҳосилида
Элим қудратини айлаган пайванд.
Замингa қарайман ризқи-рўзим деб,
«Меҳринигдан жамолим бўлди дер
чаман.
Толеи умримга бериб мангу зеб,
Табаррук дур кони бўлдим дер Ватан».
Меҳрингни айлагум қуёшга қиёс,
Мардликда тенги йўқ жўмард пахтакор,
Жаҳонга машҳурдир ипак дурдонанг,
Садоқат измида топдинг эътибор.
Чаноғинг эслатар оқ кабутарни,
Тинчлик оламига зеб бўлай дейди.
Даф айлаб эллардан хавфу хатарни,
Осойиш-дамлардан ўргилай дейди.
Чаман меҳри билан чўлқувар деҳқон,
Ҳатто эшик олдин безар ниҳоли.
Йўл четн, увотлар пахтага макон,
Қирлардан ҳам яшнаб боқар жамоли.
Эътиқод қудратга йўлдош ҳарқачон,
Муҳаббат инсоннинг йўлчи юлдузи,
Азмидан қучмоқда улкан шараф-шон,
Вафодор ҳалқимнинг «оқ олтин» сўзи.
Заҳматкаш, заршунос, бир сўзлик элим,
Жаҳонга кўрсатдинг пахта қудратин.
Космосда ҳам бор деб олтин ҳосилин,
Сўзларсен туганмас унинг ҳикматин.
Оламлар ардоқлаб пахтанинг «Ҳалн кўп дерлар ундаги ҳислату нхлоса.
Майли бўлаберсин у баракали,
Тинчлик дунёсида табаррук либос.
«Капитан» номига деҳқон сазовор,
«Зангори кемалар» измига кўнган.
Рекорд ҳосилдадан элга ҳади бор,
Ва ўша аҳдини ердан ундирган.
Турсуной «Зангори кема» сардори,
Унингдек барнолар, моҳир Раънолар,
Барчиной, Ширинқиз, Лайло, Зуҳролар
Элимнинг қўли гул, мард пахтакорн.
Моторлар гуриллар улар измидан,
Ойдин йўлларида чаман поёндоз.
Қуёшдай нур балкир улар юзидан,
Мақтовларни ёзсак минг достон ҳам оз.
Тўрт фасл пахтанинг долзарб мавсуми,
Бўш ўтган кунни у билмас азалдан.
Якунлаб йилини ҳосил мардуми,
Хирмонлар кўтарар ҳар бир пайкалдан.
Музаффар байроғи олти миллион,
Жонажон партия — бахтлар даҳоси,
Улуғ анжуманга эзгу армуғон
Ўзбек дкёрининг чўнг дурдонаси.

НАЗАРМАТ.



Республикамизнинг улкан пахта хирмонига Коммунистик райони меҳнаткашлари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Суратда: район тайёрлов пунктларида қад кўтарган «оқ олтин» бунтлари.

А. Абалян фотолари.

ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИ МЎЛ-КЎЛ БЎЛСИН

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ ШАҲРИСАБЗ РАЙОНИНИНГ ХЎЖАЛИКЛАРИДА 1981—1985 ЙИЛЛАРДА ГЎШТ, СУТ ВА БОШҚА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИНГ АНЧА КЎПАЙТИРИШ

ТАДБИРЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Районнинг қишлоқ хўжалик механизаторлари партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, чорвачиликни ривожлантиришда муайян муваффақиятларга эришдилар. Тўққизинчи беш йилликка нисбатан ўнинчи беш йиллик мобайнида гўшт етиштириш 53 процент, сут етиштириш 45 процент, тухум етиштириш икки баравардан зиёд кўпайди. Ана шу маҳсулотларни давлат йўли билан харид қилиш 1,4—1,7 баравар ошди.

Халқ фаровонлигини ошириш учун озиқ-овқат базасини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларининг ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқининг қоидаларини ҳамда ана шу қарор ва нутқдан келиб чиқадиган хулосаларни район механизаторлари кенг кўламда маъқуллаб қутиб олдилар.

Район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ходимлари партиянинг оталарча ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб қайтариб, илғорларнинг тажрибасини актив жорий этишга, колхоз ва совхозларнинг резервлардан тўла-тўкис фойдаланишга, кадрлар масъулиятини оширишга, меҳнат интизомига қатъий риоя этиб, чорвачиликни янада ривожлантиришга эришишга қарор бердилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарорларига мувофиқ хўжаликларнинг 1981—1985 йиллар учун ишлаб чиқилган тадбирларда (бу тадбирларни Шаҳрисабз район партия комитети маъқуллаган) ўн биринчи беш йиллик охирига бориб, колхозларда, давлат корхоналари ва хўжаликлараро корхоналарда гўшт етиштиришни ўн минг тоннага етказиш ёки 1980 йилда қутилаётганига нисбатан 2,3 баравар ошириш кўзда тутилган.

Айни вақтда беш йиллик охиригача сут етиштиришни 20 минг тоннагача ёки бултургига нисбатан икки баравар, тухум етиштиришни 20 миллион донагача ёки 3,2 баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Шунга мувофиқ чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш ҳам ортади.

Гўшт етиштиришни ўстиришга паррандачилик фабрикалари, наслдор чорвани уруғлаш ва сунъий уруғочи молларни тобора кўпайтириш мўлжалланган. Тўққизинчи беш йилликда мобайнида гўшт етиштириш 53 процент, сут етиштириш 45 процент, тухум етиштириш икки баравардан зиёд кўпайди. Ана шу маҳсулотларни давлат йўли билан харид қилиш 1,4—1,7 баравар ошди.

Халқ фаровонлигини ошириш учун озиқ-овқат базасини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларининг ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқининг қоидаларини ҳамда ана шу қарор ва нутқдан келиб чиқадиган хулосаларни район механизаторлари кенг кўламда маъқуллаб қутиб олдилар.

Район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ходимлари партиянинг оталарча ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб қайтариб, илғорларнинг тажрибасини актив жорий этишга, колхоз ва совхозларнинг резервлардан тўла-тўкис фойдаланишга, кадрлар масъулиятини оширишга, меҳнат интизомига қатъий риоя этиб, чорвачиликни янада ривожлантиришга эришишга қарор бердилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарорларига мувофиқ хўжаликларнинг 1981—1985 йиллар учун ишлаб чиқилган тадбирларда (бу тадбирларни Шаҳрисабз район партия комитети маъқуллаган) ўн биринчи беш йиллик охирига бориб, колхозларда, давлат корхоналари ва хўжаликлараро корхоналарда гўшт етиштиришни ўн минг тоннага етказиш ёки 1980 йилда қутилаётганига нисбатан 2,3 баравар ошириш кўзда тутилган.

Айни вақтда беш йиллик охиригача сут етиштиришни 20 минг тоннагача ёки бултургига нисбатан икки баравар, тухум етиштиришни 20 миллион донагача ёки 3,2 баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Шунга мувофиқ чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш ҳам ортади.

Гўшт етиштиришни ўстиришга паррандачилик фабрикалари, наслдор чорвани уруғлаш ва сунъий уруғочи молларни тобора кўпайтириш мўлжалланган. 1985 йилнинг охирига бориб қора моллар 26,4 минг бошга, шу жумладан сигирлар 8,5 минг бошга, яъни 1980 йил 1 октябригача мавжуд бўлганига нисбатан 144 процентга, чўчқалар 15 минг бошга, яъни 3,2 баравар, қўй ва эчкилар 37,5 минг бошга, яъни 118 процент ва паррандалар 500 мингтага яъни 2,7 баравар кўпайтирилади.

Маҳсулдорликни ошириш тадбирлари белгиланди. Яхшилаб боқиш йўли билан қора молларнинг гўштга топшириладиган ўртача вазни 450—460 килограммга, чўчқаларнинг ўртача вазни 115 килограммга етказилади, бу эса эришилганига қараганда 10—15 процент ортиқдир. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган ўртача сут миқдори 3500 килограммга етади, бу —1979 йилда амалда эришилган даражадан 1200 килограмм кўп бўлади.

Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилади. Шу мақсадда аввалги йилларда экилган бедапоялар ҳосилдорлигини гектар бошига 250 центнергача, силослоб маккажўхори кўкпоясини 620 центнергача, маккажўхори донини 80 центнергача, хашаки илдиз меваларни 850 центнергача етказиш кўзда тутилган. Ем-хашак учун 43,6 минг тонна дон, 1,5 минг тонна соя, 73,5 минг тонна беда пичани ва сенажи, 39 минг тонна силос, 16,5 минг тонна хашаки лавлаги, судан ўти, рапс, жавдарни оралатиб ҳамда аралаш экиш йўли билан 66,5 минг тонна кўк масса, озуқа бирликларига айлантириб ҳисобланганда эса жами 111,3 минг тонна озуқа етиштирилади, бу эса шу йил етиштирилганига қараганда 1,6 баравар кўпдир. Ем-хашакдан фойдаланиш самарадорлиги ошади. Чорва ва паррандага ем-хашакни ҳаммаси қайта ишланган ҳолда берилади. Ем заводининг қуввати ортади ва ишлаб чиқарилаётган омухта ем тури кўпайиб саккиз турга етказилади.

Тадбирларда сермеҳнат жараёнларни механизациялаш ва автоматлашни кенг жорий этиш, фермаларни кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларнинг бир жойда муқим ишлаб қолишига эришиш ва малакасини ошириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш кўзда тутилади.

Аҳолининг томорқа хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришда ёрдам берилмоқда. Ҳар йили камида 100 мингта жўжа ва колхоз ҳамда совхозларда тайёрланадиган жамики ем-хашакнинг 15 процентга қадари аҳолига реализация қилинади, колхозчилар ҳамда совхозларнинг ходимлари ихтиёридаги сигирларнинг зотини яхшилаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Район матлубот кооперацияси ва 10 корхонанинг ёрдамчи хўжаликлари ташкил этилган, уларга 330 гектар ер ажратиб берилган, 1985 йилда ана шу хўжаликлардаги озуқабоп экинлар майдони 1000 гектаргача етказилади.

Район партия ташкилоти фан ютуқлари ва илғор тажрибани кенг жорий этиш асосида фермаларнинг механизаторларини чорвачиликни ривожлантиришдаги янги вазифаларга йўналтирмоқда, мусобақа самарадорлигини оширмоқда, ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббусини актив қўллаб-қувватламоқда, маънавий ва моддий рағбатлантириш принципларидан узвий боғлиқ ҳолда қўлланилмоқда.

САМАРҚАНД РАЙОНИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА 1981—1985 ЙИЛЛАРДА ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ

ТАДБИРЛАРИ

Район колхозлари ва давлат хўжаликлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми ва шундан кейинги Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, чорвачиликни интенсивлаштириш ҳисобига ўнинчи беш йиллик мобайнида гўшт етиштиришни 3,6 минг тоннага, чорва вазнини 97 килограммга, гўштга топшириладиган қорамол вазнини 414 килограммга, чўчқа вазнини 104 килограммга етказадилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларига биноан ишлаб чиқилган тадбирларда ўн биринчи беш йиллик охирига бориб, тирик вазнда гўшт етиштириш 10 минг тоннага етказилади ёки 2,8 баравар кўпайтирилади, жумладан жамоат секторида 9,3 минг тоннага етказилади. Бундан ташқари аҳоли ёрдамчи хўжаликларида ва корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида 5 минг тонна гўшт етиштирилади. Гўшт сотиш 9,3 минг тоннагача етказилади, яъни бу 1980 йилдагига нисбатан 2,5 баравар кўпдир. Сут етиштириш 1,5 баравар кўп, яъни 25,2 минг тоннага, тухум етиштириш ҳозирги вақтдагига нисбатан 4 баравар кўп, яъни 104 миллион донага, ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинадиган сут ўтган йилдагига нисбатан 900 килограмм кўп, яъни 3600 килограммга, ҳар бир товуқдан олинадиган тухум ўтган йилдагига нисбатан 50 дона кўп, яъни 210 донага етказилади.

Мол гўшти етиштириш қорамолларнинг гўштга топшириладиган ўртача вазнини 500 килограммгача етказиш ва ҳар бир молнинг вазнини ва ўртача вазнини 135 килограммга, чўчқалар вазнини 110 килограммга етказиш ҳисобига мол гўшти етиштириш кўпайтирилади.

Чорвачиликнинг тез етиладиган тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ўқув хўжалигида 25 минг бошга мўлжалланган чўчқачилик комплексини фойдаланишга топшириш, шунингдек йилига 5 минг тонна гўшт етиштиришга мўлжалланган ўрдакчилик комплексининг тўла қувватини ўзлаштиришни жадаллаштириш мўлжалланади.

Қорамолларни 23,6 минг бошга етказиб, 14,2 процент кўпайтириш, жумладан сигирларни 7,5 минг бошга етказиб, 15 процент кўпайтириш, чўчқаларни 12 минг бошга етказиб, 2,2 баравар кўпайтириш, паррандаларни 1 миллионтага етказиб, 3,7 баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Озуқа етиштиришнинг ишлаб чиқилган комплекс программасида озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш, оралиқ экинлар, қайта экиладиган ва аралаш экиладиган экинларни кенг жорий этиш тадбирлари белгиланган. Хашак, ширали ва кўкмак озуқаса бўлган талаб ҳар бир хўжаликнинг ўзида ана шу ўт-ўланларни кўпайтириш йўли билан таъминланади.

Янгиариқ зонасида икки минг гектар майдондаги ерларни ўзлаштириш, Оғалиқ посёлкасида сув омбори қуриш ва Дарғом каналида насос станцияси қуриш ҳисобига озуқа экинлари майдони кенгайтирилади.

Район партия комитети ана шу вазифаларни ҳал этишда кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнашини ҳисобга олиб, мутахассислар, айниқса ўрта бўғин мутахассислари, оммавий касбдаги кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан конкрет ишларни амалга оширади.

Район хўжаликларида 1981 — 1985 йилларда чорвачиликни янада ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар ички имкониятлар ва резервлардан янада тўлиқроқ фойдаланиш, ферма механизаторлари социалистик мусобақасини кенг авж олдириш, коллективларни озуқа етиштириш ва чорвачиликнинг барча тармоқларини юксалтиришга доир вазифаларни ҳал этишга сафарбар этиш йўли билан бажарилади.

Район партия ташкилоти аҳолига арзон ва юқори сифатли гўшт, сут, тухум етказиб бериш мақсадида фермалар берадиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш учун барча зарур тадбирларни амалга оширади ҳамда ташкилотчилик ва сиёсий ишларни сафарбар этади.

АНДИЖОН ОБЛАСТИНИНГ ЛЕНИН РАЙОНИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА 1981—1985 ЙИЛЛАРДА ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ

ТАДБИРЛАРИ

Ленин райони фермаларининг ходимлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми ҳамда кейинги Пленумларининг қарорларини рўёбга чиқара бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетига, областнинг барча меҳнаткашларига йўллаган мактубида баён этилган кўрсатмаларига амал қилиб, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш вазифасини ҳал этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшишни белгиладилар.

Ленин районининг чорводорлари Оҳангарон, Конимех, Фориш районларининг ташаббусига қўшилиб, қуйидаги юксак мажбуриятларни қабул қиладилар: ўн биринчи беш йиллик охирига бориб гўшт етиштириш 10 минг тоннагача етказилади, 1979 йилда эришилганига нисбатан гўшт етиштириш 2,2 баравар, шу жумладан пахта етиштиришга ихтисослаштирилган колхозларда 1,3 минг тонна кўпайтирилади. Андижон ишлаб чиқариш бирлашмасида гўшт, хусусан парранда гўшти етиштиришни мана шундай анча ўстиришга бройлер паррариш қилинадиган қувватларни кенгайтириш ва шундай янги қувватларни ишга тушириш, айни вақтда 1985 йил охирига паррандаларни кўпайтириб, 2 миллион 92 мингтага етказиш ёки 2,1 баравар ошириш йўли билан эришилади.

Пахтачилик колхозларида гўшт етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда сут чорвачилигини янада ривожлантириш, 1985 йилгача сут етиштиришни 9,3 минг тоннага етказиш ёки 1979 йилда эришилганига нисбатан 1,5 баравар ошириш кўзда тутилган. Қорамоллар 9000 бошга етказилиб, 10 процент кўпайтирилади, шу жумладан сигирлар 3100 бошга етказилади, яъни 30 процент кўпайтирилади, ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган ўртача сут миқдори 3000 килограммга етказилади, бу— ўтган йилдагига қараганда 451 килограмм ортиқдир. Ҳар 100 бош сигирдан 90 та бузоқ ва ҳар бир 100 бош совлиқдан 125 та қўзи олинади.

Сигирларни кўпайтириш мақсадида Карл Маркс номли колхоз сигир қилинадиган 1000 бош ғунажинни парвариш қилишга ихтисослаштирилмоқда, у ҳар йили район колхозларига камида 400—500 ғунажин сотадиган бўлади.

Колхозлараро бўрдоқичилик пунктининг қуввати ҳар йили икки минг бош қора молни сўқимга боқиш даражасига етказилади, гўштга топшириладиган ўртача вазни эса 450 килограммга етказилади.

«Правда Востока» колхозида қўён гўшти етиштириш йилига 16 тоннани ташкил этади. Районнинг барча мактабларида қуён урчитиш йўлга қўйилади.

Хашаки экинлар ҳосилдорлигини ошириш йўли билан чорвачиликнинг ем-хашак базаси мустаҳкамланади, ҳар гектар ердан камида 200 центнер беда пичани, 90 центнер маккажўхори дони, 600 центнер силос массаси, 1000 центнер илдиз мева олиш кўзда тутилмоқда. Хашаки экинлар, шу жумладан жавдар, рапс ва сояни аралаш қилиб, оралатиб ва такрорий экиш кенг жорий этилади. Хўжаликларнинг ҳаммасида озуқа цехларининг узлуксиз ишлашини, ҳар бир килограмм емнинг яхши самара беришини таъминлаш мўлжалланади.

Ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида колхозлардаги мавжуд чорвачилик фермаларини кенгайтириш, колхозлар ва ташкилотлар матлубот кооперацияси ва давлат савдосининг ёрдамчи хўжаликларининг тадбирлари амалга оширилади.

Район партия ташкилоти, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари белгиланган мақсадларга эришиш учун хўжаликлардаги мавжуд резервлар ва имкониятларни қидириб топиб ишга туширадилар, чорвачиликнинг аҳволи, кадрларни танлаш ва фермаларга жойлаштириш учун бошланғич партия ташкилотларининг масъулиятини ошириш ва уларнинг фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор берилади.

ТАШАББУСКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЕР МЕҲРИ

Кенг яғринли, буғдойранг юзига мўйлови яраша тушган киши дала йўлларидан шахдам одим отиб борарди. Кузнинг эрталабки изғирини сезилиб турар, бу мусаффо тонгда киши ўйи янада тиниқлашаётгандек туюларди.

Ҳабил ака Тўрахўжаев қўнғир тусини ола бошлаган пахтазорга дамба-дам қараб қўярди. Ҳа, йиғим-терим ҳам ниҳоясига етиб қолди. Яқингинада бу пайкаллар устига оқ чойшаб ёпилгандек оппоқ эди. Энг аввало суянган тоғлари, механизаторлар Абдулла Эргашев ва Турдимат Пирматовларга балли! Улар пахтазорда «зангори кема»ларини жавлон урдириб, «оқ олтин» хирмонининг тез юксалишига энг катта ҳисса қўшишди. Икки ҳафта ичидаёқ план бажарилди. Ҳозиргача эса 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан салкам 50 центнердан хирмон кўтарилди. Дала гвардиячиларининг ғайрат-шижоатини бу ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи машиналарда териб олинганлиги кўрсатиб турипти.

Эллик центнер! Ҳабил ака ўйидан бу рақамни ўтказар экан, бригадага етакчи қилиб тайинланган пайтлар ёдига тушди. 1947 йилда улар гектаридан аранг саккиз центнердан пахта йиғиштириб олган эдилар. 33 йил ичида пахта ҳосилдорлиги олти баравардан ҳам кўп ортибди.

Албатта, бу фидокорона меҳнат самараси. Улар техникага таяниб ғўза парваришини илғор агротехника қоидалари асосида ташкил этадилар. Бригадага етказиб берилаётган минерал ўғитлар ҳам кўпайган.

Ўтган йили Ҳ. Тўрахўжаев бошлиқ бригада ҳар гектар майдондан 47 центнердан хирмон кўтариб, Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида рекорд натижага эришган эди. Бу муваффақият уларни янги марраларни эгаллашга руҳлантириб юборди. Ҳабил ака областимизнинг бир группа мўл ҳосил усталари қатори ўнинчи беш йилликнинг якувловчи йилида 56 центнерлик довонни эгаллашга ваъда берди. Мана улар зафар чўққиси сари яқинлашиб қолдилар.


Бригадир кенг пахтазорда тўкилган пахта ва кўсак тераётган колхозчиларни кўриб, дили ёришиб кетди. Қуёш эндигина уфқдан бош кўтарган бўлса-да, улар пахтазорга чиқишибди. Чунки, ҳали далаларда анча ҳосил бор. Улар ҳозир чаноқларда оқариб турган бу дур-жавоҳирларни етиштириш учун ҳазилакам тер тўкишмаган. Мана, Фароғатхон Масалимова, Муҳаббатхон Ҳатамова, Равшаной Толиповалар ёнма-ён эгатларда чаққонлик билан кўсак теришяпти. Уларнинг ҳар бири кунига хирмонга 200—220 килограммдан тўкилган пахта ва кўсак топширишмоқда.

Ҳабил ака хирмонга етиб келган пайтда агрегатдан чиқарилган пахта тележкага юкланаётган экан. Ҳа, ҳали қабул пункти томон йўл олаётган «оқ олтин» карвонларининг кети узилгани йўқ.

Бригада аъзолари она-Ер хазинасига йўл топиб, бу дур-жавоҳирлар хирмонини тобора юксалтирмоқдалар. Ҳабил ака Тўрахўжаев ерга меҳр қўйган моҳир пахтакорлардан бири. Унинг пахта етиштиришни кўпайтиришдаги шавқатли меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Бригадир кўксини Ленин, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат белгиси» орденлари безаган.

Ташаббускор бригада коллективи етиштирилган ҳосилнинг сўнгги граммигача нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш билан бирга-ликда янги марраларни эгаллашга замин яратишга ҳам киришмоқдалар. Ҳосили тўла йиғиштириб олинган далаларни ўғитлаш бошлаб юборилган. Бригада етакчиси Ҳабил ака Тўрахўжаев бу ишларга бошқош.

П. ЭРГАШЕВ,
М. БОБОЕВА.





Бекобод районидаги Дзоржинский номли колхоз пахтакорлари бу йил «оқ олтин»дан баракалн хирмон уйдилар. Улар социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этишди. Юқоридаги суратда колхоз раиси Қ. Эгамназаров илғор механизатор Р. Бойзоқов билан суҳбатлашяпти. Пастдаги суратда Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози партия комитетининг секретари Қ. Тўраев (ўртада), фельдшер А. Маменов ва врач А. Огайлар билан пахтакорлар даврасида. Бу йил район шифокорлари йиғим-терим мавсумида пахтакор ва механизаторларга намунали медицина хизматн кўрсаткшди.

П. Эргашев ва Г. Пун (УзТАГ) фотолари.

АДИР ХАЗИНАСИ

СОВХОЗИМИЗДА янги ўзлаштирилиб, сув чиқарилган майдонлар ҳисобига ҳам пахта етиштиришни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Бригадамиз аъзолари бу йил ана шундай 130 гектар майдонга илк бор чигит қададилар.

Бу ерлар паст-баланд бўлганлиги учун айниқса ғўза суғориши даврида катта қийинчиликларга дуч келдик. Лекин уста сувчиларимиз Раим Назаров, Мамат Умаров, Аъзамхўжа Эшоновларнинг бой тажрибалари, юксак маҳоратлари туфайли ҳар туп ниҳол оби-ҳаётга қонди. Ғўза парваришида бошқа агротехника қоидаларига ҳам қатъий риоя қилганлигимиз учун лалмикор майдонларда «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштирилди.

Пахта йиғим-теримида механик - ҳайдовчиларимиз Эгамберди Салимбоев ва Зуҳур Қамбаровлар жонбозлик кўрсатишди. Улар машиналари ёрдамида 250 тонна пахта териб бердилар. Далаларда кўпмингкилограммчи теримчиларимиз Нафиса Зоҳидова ва Ҳакима Эшоновалар жавлон урдилар. Улар мавсум бошидан бери бригада хирмонига 9—10 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Бригадамиз коллективи республикамизнинг 6 миллион тонналик юксак «оқ олтин» хирмонига 440 тонна адир дур-жавоҳири билан муносиб улуш қўшганликларидан қувонаяпти. Биз лалмикор майдонларнинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Пахта тайёрлаш плани анча ошириб адо этилди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган бригадамиз коллективи ўн биринчи беш йилликнинг тўқнчи йилида пахта ҳосилдорлигини янада ошириш режаларини белгилашмоқда. Бу мўл ҳосилга мустаҳкам замин ҳозирлай бошладик.

Ҳозирги кунларда ҳам бригадамиз далаларида пахта терими давом этяпти. Биз бу йил ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга бел боғлаганмиз. Бу партиямиз XXVI съездига муносиб меҳнат совғамиз бўлади.

Ў. МУБОРАКОВ,
Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози 1-бўлимининг бригада бошлиғи.

ҚУВОНЧ УСТИГА ҚУВОНЧ

УЛУҒ ОКТЯБРЬ байрами арафасида катта шодиёнага гувоҳмиз. Республикамиз меҳнаткашлари уйган хирмон олти миллион тоннадан ошиб кетди. Бу — чинакам катта жасорат.

Олти миллионлик «олтин хирмони»ни яратишнинг ўзи бўлмади, албатта. Республикада қимирлаган жон борки ўзини пахтакор деб ҳис этди, пахта ишқи билан яшади. Йўқ, ҳис этибгина қолмади, енг шимариб далага отланди.

Улкан тоғ яратишдаги умумхалқ жасоратига Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг профессорлари, олимлари, педагоглар отряди, кўп кишилик студентлар армияси қўшган ҳисса ҳам катта бўлди. Улар мавсум давомида 2 минг тоннадан кўпроқ пахта териб бердилар.

Биз бугунги республикамиз учун энг қувончли кунда пахта йиғим-теримида иштирок этиб, мўл ҳосил етиштирган азамат деҳқонларни, «оқ олтин»ни териб олишда иштирок этган барча-барчани чин дилдан қутлаймиз. Зафар муборак, олтин кўлли заршунослар, жасоратингизга тасанно деймиз.

Э. ШАЙХОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ректори.

ДОВРУҒИНИ ДОВОН ОШИРИБ

Қўли қадоқ, қалби пахтадай оппоқ ўзбек пахтакорлари КПСС XXVI съезди арафасида улкан зафар қучдилар. Пахтачилик тарихида мисли кўрилмаган «оқ олтин» хирмони уйилди. Бойлигимиз, миллий нефтихоримиз бўлмиш пахтадан бунча катта ҳосил кўтариш нафақат республикамизнинг 15 миллиондан ортиқ аҳолисини, балки мамлакатимиз, қолаверса, чет эллардаги ўзбек пахтасини кутаётган юз минглаб, миллионлаб кишиларни мамнун этаяпти.

Ҳа, бугунги кунга келиб «оқ олтин» фақат кийим-кечаккина бўлиб қолмай, Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатида таъкидланганидек, оғир саноат хомашёси ҳамдир. Ғўзапоясидан толасигача маълум мақсадларга хизмат қиладиган, сира чиқити бўлмаётган пахтадан 6 миллион тоннасини Ватанга армуғон этиш ҳаммамизни фахр-ифтихор туйғуларига буркайди. Бу ишда, яъни, далада етиштирилган пахта ҳосилини саноат ишлаб чиқаришига узатишда биз занжирнинг асосий бир халқаси вазифасини ўтаймиз. Яъни, деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган ҳосилни пахта қабул қилиш мажбуриятини олган эди. Мажбурият куни кеча шараф билан адо этилди — шунча миқдордаги пахтани қабул қилиб олдик. Бунда заводимиз ҳузуридаги қабул пункти, Оқтепа, Муротали, Керовчи пахта қабул қилиш пунктларининг барча ишчи ва хизматчилари фидокорона меҳнат қилишди. Айни кунларда ҳам «оқ олтин» қабул қиляпмиз.

Заводимизда ўнинчи беш йилликнинг бошидан буён социалистик мусобақани кенг авж олдиришга катта эътибор берилди. Шунингдек, эскирган машина ва механизмларни янгилаш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, янги пахта қабул қилиш мавсумига тайёргарлик даврида 5 та янги транспортёр ўрнатдик. Бу меҳнат унумдорлигини анча оширди. Шунингдек, бу йил пахтанинг сифати бўйича ҳам бир қанча янги тадбирлар жорий этилди. Масалан, райондаги барча хўжаликлардан пахта бригада усулида қабул қилинди. Яъни, ҳар бир бригада коллективи етиштирган ҳосил алоҳида қабул қилиниб, сифат кўрсаткичлари алоҳида баҳоланди. Бунда мазкур бригаданинг сифатли пахта топширишдан моддий манфаатдорлиги ошиши туфайли умумий маҳсулот сифатининг яхши бўлишига эришилмоқда.

Теримнинг айни қизиган пайтларида йиллик ҳажмга нисбатан 8—9 процент миқдорида ҳосил қабул қилиб олдик. Меҳнат беллашувининг тўғри ташкил этилиши ва кенг авж олдирилиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишда йўлида қилинган талаб тадбирлар ўз натижасини кўрсатди: ўнинчи беш йиллик плани 28 октябрда муддатидан икки ой илгари адо этилди. Коллективимиз резерв ва имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб, йил охирига беш йиллик план-дагига қўшимча 6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олди.

Меҳнат муваффақиятларимизда зарбдор ишчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўляпти. Оқтепа қабул пунктининг мудири Николай Иванович Позднияков, Муротали пунктининг классификатори Аваз Нормуродов, пешқадам ишчи И. Тарасюклар корхонамиз Ҳурмат тахтасидан доимий ўрин олган кишилардир.

Заводимизда қайта ишланган янги ҳосил мамлакатимиздаги тўқимачилик саноат корхоналаридан ташқари қатор чет элларга ҳам экспорт қилиняпти. Ўзбекистон пахтасини бутун дунё кутмоқда. Заводимиз маҳсулотининг 75 процентга яқини чет мамлакатларга экспорт қилинаётгани бунинг ёрқин далилидир. Польша, Югославия, Канада, Финляндия, КХДР каби мамлакатлар бизнинг доимий буюртмачиларимиз. Шундай экан, ўзбек пахтасининг довруғини довон оширишда, далада етиштирилганидек, юқори сифат билан буюртмачиларга етказиб беришда корхонамиз коллективининг муносиб ҳиссаси бор. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Айни кунларда барча қуритиш-тозалаш цехларида иш уч сменада қизғин давом этаяпти. Эндиги вазифа — қабул қилиб олинган барча пахтани истеъмолчиларга ўз вақтида аъло сифат билан етказиб беришдан иборатдир.

И. АБДУРАҲМОНОВ,
Пискент пахта тозалаш заводининг директори.

ТАЪЗИМ

ОЛТИ МИЛЛИОН тонна «оқ олтин» тайёр! Бугунги кунда ҳамма республикамиз олтин қўлли пахтакорларининг бу меҳнат жасоратларига қойил қолаётир.

Серқуёш диёримизда ҳамма ва ҳар бир киши ўзини пахтакор деб ҳис этади. Совхозимиз деҳқонлари ҳам республика партия ва ҳукуматининг мурожаатига лаббай деб жавоб берib, ҳосил теримида Чиноз районн пахтакорларига кўмаклашди. Улкан пахта хирмонида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлиги қувонарлидир.

Бу йил сабзаватчкорларимиз, чорвадорларимиз ҳам самарали меҳнат қилишди. Давлатга барча турдаги сабзавот маҳсулотлари топшириш планлари ва мажбуриятларини бажариб қўйганмиз. Далаларимизда етиштирилган ноз-неъматлар шодиёна кунларда халқимиз дастурхонини безайди.

М. ТЎЛАГАНОВ,
Калинин районидаги «Иваново» совхозининг директори.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 335748; масъул секретарь —334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02351. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети вазирётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1723.